

АДАБИЙ ОБЗОР ЖАНРИ ТАСНИФОТИ ҲАҚИДА

Зилола Жамолова, БухДУ мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек танқидчилигининг муҳим жанрларидан бири адабий обзорни тасниф қилиш масаласи ҳақида фикр юритилган, жанрнинг баъзи таснифлари амалга оширилган.

Калит сўзлар: адабий танқид, адабий обзор, тасниф, жанрлар, хронология, танқидчи, давр, йиллар обзори.

Адабий танқид жанрларидан бири адабий обзор адабиётни ривожлантиришда, адабий жараёни фаоллаштиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга ҳар бир адабий обзор чуқур мантикий илдизга эга бўлиб, асосли, мулоҳаза ва муҳокамалари илмий-назарий жиҳатдан пухта бўлиши зарур. Адабий обзорнинг адабиёт тараққиёти, адабий жараёнга таъсири катта, шу жиҳатдан адабий танқидчиликда адабий обзорларнинг алоҳида ўринга эгаллиги кўринадик, уларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурлигини яққол намоён этмоқда.

Адабий обзорларни вақт ва мавзуга муносабати, характери ҳамда ижтимоий-эстетик табиатига кўра бир неча кўринишда тасниф қилиш мумкин:

1. Хронологик обзор.
2. Илмий-назарий обзор.
3. Мавзувий обзор.
4. Адабий жанрлар обзори.

1. Хронологик обзор - бунда маълум йиллар (даврлар)га оид адабий жараёнга хос тамойилларни умумлаштириш назарда тутилади. Ўзбек танқидчилигида ХХ асрнинг 60-90-йиллардаги тараққиётида тараққиётида хронологик обзор етакчилик қилади¹. Ҳар йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида ўтадиган наср, шеърят, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва танқидчилик намуналарининг йиллик муҳокамасида у ёки бу соҳа бўйича бир йиллик ишлар сарҳисоб қилинади. «Йиллик обзор туркум (цикл) каби ўзида муаммоли мақола, монографик тақриз, параллел ва сатира элементларини акс эттирадиган синтетик жанрдир», - деб ёзади Б.Егоров². Шу нуқтаи назардан қаралса, бу обзорларнинг ҳаммасини ҳам бир хил савияда деб бўлмайди, уларда бу хусусиятлар тўлиқ намоён бўлганини кўриш қийин, бунинг устига йиллик хронологик обзорларнинг сифати танқидчининг савиясига,

¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент. "Фан", 2008. 86-бет.

² Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Ленинградское отделение. Советский писатель. 1980, - с. 46.

масалага масъулият билан ёндашишига ҳам боғлиқ.

Шундай мунаққидлар борки, бир йиллик обзор муносабати билан босиб ўтилган йўлга назар ташлайди; янгиликларни китобхон кўз ўнгида очиб беришга, адабиёт ривожига тўсқинлик қилаётган нуқсонларни йўқотишга интилади. Бинобарин, бу хилдаги обзорни ёзиш учун давр ҳисобга олиниши зарурий шартдир. Масалан, академик М.Қўшжонов ижодида хронологик обзор кўп учрайди. М.Қўшжоновнинг "Маъно-маҳоратнинг бош масаласи" адабий обзориди 1972 йилда яратилган насрий асарлар ҳақида фикр юритилади. Ёки "Катта ҳаёт ва ижод оқими" обзориди ўзбек адабиётининг беш йиллик даври (1970-75) обзор қилинади.

И.Ғафуровнинг 1973 йил насри ҳақидаги "Насримизнинг бугунги тенденциялари", У.Норматовнинг "Бугунги адабиётимизнинг таҳлил ва талқини" каби обзорларида яхши асарларни чуқур таҳлил қилиш, ёш ижодкорлар изланишларидаги янгиликлар моҳиятини очишга интилиш сезилади, аммо уларда давр мафкураси билан боғлиқ нуқсонлар ҳам учрайди.

2. Илмий-назарий обзорларда илмий таҳлил, тадқиқ этилаётган асарларга ҳар томонлама, санъат мезонлари доирасида баҳо бериш, назарий хулосалар чиқариш хусусиятлари устувор туради. М.Қўшжоновнинг "Қайта қуриш . ва ўзбек романи" обзори адабий муаммоларга оид илмий-назарий обзорнинг кўркам намунаси бўлиб, унда хронология ҳам, жанрлар обзори ҳам қоришиқ ҳолда келади. Обзorida танқидчининг қиёфаси, билими, зукколиги аниқ кўриниб туради. Энг муҳими шундаки, мунаққид обзорда турғунлик йилларидаги адабиёт ва танқидчиликнинг офаринбозлик каби нуқсонлар очик кўрсатиб берилади. М.Қўшжоновнинг обзориди романчилик тараққиётини теран кузатиш, умумлашмалар чиқариш, адабиёт ривожига халал бераётган нуқсонларни кўрсатиб бериш каби хусусиятлар ёрқин кўриниб туради.

Бундан ташқари адабий обзорларни объекти нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилиш мумкин:

1. Адабий даврлар обзори (М.Қўшчонов: " Қайта қуриш ва ўзбек романи", О.Шарафиддинов: "Йиллар ва йўллар" ва бошқалар).
2. Адабий йиллар обзори. Белинский (1841 йил рус адабиёти), О.Шарафиддинов (Йўл бошида), Б.Норбоев: «Ёдда қолган шеърлар» (1983 йилда "Ёшлик"да эълон қилинган шеърлар ҳақида);
3. Маълум бир адабий мавзуларга бағишланган обзорлар (Н.Атаханов: "Болалар ва ёшлар адабиёти ҳақида"; Ҳ.Ёқубов: "Ўзбек совет поэзияси янги босқичда"; Амин Умарий: «Поэзиямизнинг янги намоёндалари»; А.Бағиров: "Олис, яқин юлдузлар" (ёш шоирлар ижоди);
4. Алоҳида ижодкорлар ҳақидаги обзорлар (Н.Даврон: "Ажойиб талантлар"; Ф.Тожи : "Сўз ёш ёзувчилар устида" ва ҳ.к.

Бу таснифдан, адабий обзорлар кўпроқ ўзбек шеърятига бағишлангани маълум бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, адабий обзорда, унинг қайси шаклида бўлмасин, обзорчи мунаққид адабиётнинг келажаги масаласига диққат қилади: ҳақиқий асарларни чуқур таҳлил қилишга, ижобий тамойилларни очиқ беришга, ёш ижодкорлар изланишларидаги янгиликлар моҳиятини очишни ўзи олдига мақсад қилиб қўяди. Адабий обзорларда ҳам илмий-назарий таҳлил ва умумлашмалар чиқариш хусусияти етакчи ўрин тутди, аммо хронологик обзорларда асосан хронологияга катта эътибор қаратилади, жанрий обзорларда эса жанрлар тадрижга, мавзувий обзорларда эса асосан мавзулардан келиб чиқиб, илмий-назарий хулосалар чиқарилади, аммо кўпинча, юқорида айтилганидек, обзорларда қоришиқлик ҳукмрон.

Адабий обзорларни адабиётдаги адабий турларга кўра бир неча ички турларга бўлиш мумкин. Наср тадқиқига, шеърятни умумлаштирувчи, драматургия соҳасига, болалар адабиёти, адабий танқид ривожига бағишланган жуда кўплаб обзорлар яратилганки, уларни таснифлаш, гуруҳларга ажратиб ўрганиш келгусидаги вазифалардандир.